

## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ОМИЛЛАРИ**

### **ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЮРИДИК ФАКУЛЬТЕТИ 2-БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ ҲАМРОҚУЛОВА ДУРДОНА ШЕРАЛИ ҚИЗИ**

**Аннотация:** Ушбу мақоланинг мазмуни шундан иборатки, бунда ҳозирги кунда давр талабига айланаётган “Коррупция” номли иллатга қарши курашишга қаратилган кўплаб чора тадбирлар ҳамда уни олдини олишнинг услуб ва услубиятлари ва шу билан биргаликда коррупцияга қарши курашиш омиллари ҳақида маълумот оласиз.

**Калит сўзлар:** «Аср вабоси», Коррупциянинг келиб чиқиш илдизи қаерда?, «давлат органлари ходимлари», Коррупция, бу - инсон нафсининг маҳсулими.

Коррупциянинг салбий иллатлари аввало унинг демократия ва қонун устуворлигига путур етказишида намоён бўлади. Коррупция оқибатида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кўпол равишда бузилади, қонунларга ҳурмат руҳи пасаяди, иқтисодий ривожланиш издан чиқади, энг дахшатлиси давлат ва жамият учун ўта хавфли бўлган уюшган жинойтчилик кенг ёйилишига шароит яратилади.

Коррупцияга қарши курашиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали химоя қилишнинг энг муҳим шартлари сирасига киради. Чунки, бу жирканч иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг иқтисодий таназзулига йўл очади. Иқтисодиётни яширин равишда емиради. Унинг энг аянчли оқибати эса халқни давлат органларига нисбатан ишончини сусайтириб, қонунлар устуворлигини заифлаштириб қўяди.

Таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг оқибати билан эмас, балки сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича халқаро тажрибада кенг қўлланилиб келаётган жинойтчиликни олдини олиш чораларини миллий амалиётга татбиқ этишни тақозо қилмоқда.

Бу ўринда Президентимизнинг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сонли Фармонида асосан янги ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг асосий вазифаларидан бири этиб 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички идоравий назорат тизимларини босқичма-босқич жорий этиш белгиланди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган мамлакатларда коррупцияга қарши

курашиш соҳасида давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг халқаро стандартлар, қонун ҳужжатлари ва бошқа замонавий усулларга мувофиқ самарали фаолият юритишини таъминловчи муҳим воситалардан бири ўз таркибида коррупцияга қарши курашиш комплаенс-назорат тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Коррупцияга қарши комплаенс-назорати – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонунбузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.

*Коррупциянинг келиб чиқиш илдизи қаерда?* Унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, коррупцияга қарши курашнинг самарали йўлларини топиш бўйича мутахассислар, турли институтлар ва халқаро ташкилотлар томонидан юзлаб, минглаб тадқиқотлар ўтказилган. Ўзига хос рейтинглар тузилиб, ҳар хил кўрсаткич ва рақамлар қайд этилган жадваллар яратилган. Ҳатто коррупциянинг хилма-хил кўринишидаги формулалари ҳам ишлаб чиқилган. Ҳанузгача, барча миллатлар учун қўл келадиган қарши курашда асқотадиган ягона ечим йўқ.

### ***КОРРУПЦИЯ, БУ - ИНСОН НАФСИНING МАҲСУЛИМИ?***

Ҳа, худди шундай. У инсон нафсининг том маънодаги маҳсулидир. Бундай деб айтишга асосларимиз ҳам бор. Одамзод яралибдики, унга доим панд берган ва душманлик қилган нарса бу унинг нафси бўлиб келган. Айтишларича, инсон то тирик экан, нафс қулига айланмаслиги керак. Нафс шундай ғанимки, манманлик ва қайсарлик унинг шиоридир. Нафс кибру ҳавони олиб келади. Бировнинг ҳаққига хиёнат, ёлғон, фисқу фасод, манманлик бу нафснинг амалдаги кўринишидир.

Бир эсланг. Мамлакатимиз Президентининг янги таркибдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида айтган «Ҳаммамиз қотган нон есак ҳам, ўзимиз ўрناق бўлсак, кескин ўзгариш бўлади. Ўзимиз қўш-қўш қилиб яхши машиналар минсак, тўрт қаватли уйлар қилиб юрсак, ҳеч қачон мақсадга етолмаймиз» деган гапларининг замирида биз мансабдорларни ўз нафсимизни қулига айланиб қолмаслигимиз учун даъват эмасми? Бундан хулоса шуки, коррупциянинг манбаси бу инсон нафсидир. «Аср вабоси» – яъни, коррупциянинг келиб чиқиши инсон нафсиданми? Албатта, бизнинг бу эҳтимолимиз бежизга эмас. Чунки инсоният пайдо бўлибдики, уни нафси бор, нафс бўлган жойда суиистеъмолчиликлар бор. Келинг, шу ўринда, коррупциянинг келиб чиқиш сабабларига эътибор қаратайлик.

Тадқиқотчилар коррупциянинг асосий сабаблари сифатида тўртта омилни кўрсатадилар :

■ **Биринчиси** - иқтисодий сабаблар. Бу ҳақда, мухтарам Президентимиз ўзининг чиқишларида кўп мартаба сўз юритиб келади. Коррупциянинг бу кўриниши ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни бевосита маъмурий йўл билан бошқаришга интилган ҳокимият ва бюрократиянинг мавқеи баланд бўлган давлат шароитида ривож топади. Иқтисодий фаолиятга нисбатан ўрнатилган турли хилдаги чеклашлар, амалдорларнинг кенг, назоратдан холи, чекланмаган ё рухсат бериш, ё тақиқлаш ваколоти порахўрликка замин яратади. Шу билан боғлиқ ҳолда, йирик маблағларга эга бўлган айрим ишбилармонлар ўз даромадларини кўпайтириш мақсадида ва рақобатда алоҳида имтиёзларга эга бўлиш учун ҳукумат амалдорларини пора эвазига сотиб олиб, уларни ўз ихтиёрларига бўйсундиришга интилади.

■ **Иккинчиси** - ҳуқуқий сабаблар. Коррупциянинг ривожини қонунларнинг сифатига боғлиқдир. Мукамал бўлмаган қонунлар ишламайди ва порахўрлар бундан усталик билан фойдаланадилар.

■ **Учинчиси** - институционал сабаблар бўлиб, уларга аввало, давлат бошқаруви тизимидаги нуқсонлар, демократик институтларнинг кучсизлиги, шунинг натижасида, ҳукумат фаолиятининг ёпиқлиги ёки фуқаролик назоратидан ҳолилиги киради.

■ **Тўртинчиси** - ижтимоий сабаблар ёки жамиятдаги муҳит, аҳолининг ҳуқуқий билими, маданият даражаси, маънавияти, уюшқоқлиги ва жамоат фаоллиги пастлиги каби омиллардир **Коррупциянинг келиб чиқиш илдизи қаерда?** Унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, коррупцияга қарши курашнинг самарали йўллари топиш бўйича мутахассислар, турли институтлар ва халқаро ташкилотлар томонидан юзлаб, минглаб тадқиқотлар ўтказилган. Ўзига хос рейтинглар тузилиб, ҳар хил кўрсаткич ва рақамлар қайд этилган жадваллар яратилган. Ҳатто коррупциянинг хилма-хил кўринишидаги формулалари ҳам ишлаб чиқилган. Ҳанузгача, барча миллатлар учун қўл келадиган қарши курашда асқотадиган ягона ечим йўқ. Гап шундаки, коррупциянинг асл илдизи унинг пайдо бўлиш географияси билан ўзгаради. Хўш, Ўзбекистонда қандай омиллар унинг куртак отиб, «гуллаб-яшнаши»га шароит яратмоқда?

Аввало, Адлия вазирлиги расмий сайтида келтирилган изоҳни қайтадан кўриб чиқиш тавсия этилади: «Коррупция – давлат органлари ходимлари моддий ёки мулкӣ йўсинда, ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида, ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоий ҳодисадир». Бу ерда калит сўзи «давлат органлари ходимлари» саналади. Яъни, ушбу жумланинг ўзи коррупция даражаси

юқори эканида давлат хизматчиларининг роли муҳим эканлигини кўрсатади. Давлат органларида хизмат қилаётганларни бундай қабих ишга қўл уришга нима ундамоқда? Жавоб яна изоҳнинг ўзида ястаниб турибди: «моддий ёки мулкый йўсинда, ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида»! Табиийки, коррупция ортида мўмай даромад топиш илинжи турибди, бироқ ҳар бир қуйи босқичда унинг ҳақалак отишига давлат хизматчиларининг ойлик маоши пастлиги сабаб бўлмоқда. Масалан, маҳаллий ҳокимиятнинг оддий хизматчисини кўз олдингизга келтиринг, унинг кичик маоши, аслида ходим инсон капиталига мос эмаслиги, коррупцияга қўл уришга мажбур қилади. Соддароқ қилиб айтганда, кучли билим ва тажрибага эга ходим ҳеч қачон кичик маош таклиф этилган иш лавозимида меҳнат қилмайди. Унинг олдида танлаш учун иккита йўл турибди: иш жойини ўзгартириб, кўп ойлик маош ваъда қилиб турган хусусий секторга ўтиб кетиш ёки кичик маошга «қаноат» қилиб, коррупцияга қўл уриш. Бундай вазиятда, давлат органларида кадрлар етишмовчилиги кузатилиб, тажрибали ва билимли мутахассисларни йўқотиши ҳам ҳеч гап эмас.

Давлат органларида ойлик маошни ошириш билан коррупцияга барҳам бериш мумкинми? Асло! Коррупция даражасини сусайтириш борасидаги таклифларни қуйида батафсил мушоҳада этамиз, лекин, айтиш чоғда уни келтириб чиқарувчи яна бир омилга эътибор қаратсак: коррупцияни келтириб чиқарувчи сунъий тўсиқлар.

Сунъий тўсиқ, деб аталмиш жиҳатлар шундан иборатки, уларнинг барчасини сиёсий ирода кучи билан йўқ қилиш мумкин. Улар нималар? Рўйхатнинг бошида давлат органлари ходимларини ишга қабул қилишда юз бериши «белгиланган мантиқсизлик» ва шаффофликнинг йўқлигидир. Гап шундаки, инсон капиталининг ҳақиқий қийматини ўзбек моделидаги «объективка» орқали аниқлаш мумкин эмас. Бўлғуси кадрнинг салоҳиятини текшириш, унинг психологик ва жисмоний етуклиги ўрнига «Тошкент пропискиси», «яқин қариндошининг судланганлиги» каби фойдасиз вазлар ҳар қандай билимли кишини расмий доирадан узокроқ юришга ундайди. Агар тажрибали ва билимли мутахассис давлат органида ишлаш истаги билан эшик қоқса, унга бериладиган илк топшириқ ҳам бир талай ҳужжатларни йиғиб келиш бўлади. Ўз ўрнида ҳар бир маълумотномани олиш кичик коррупцияга сабаб бўлиши мумкин.

Ундан ташқари, ишга жойлашиш масаласида ҳар ким «таниш-билиш» тизими, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, кланизм каби «ижтимоий ҳодиса»ларга дуч келиши тайин. Ана шундай барча «-чиликлар» замирида коррупцияга бошлаб борувчи йўл мужассам. Шунингдек, кучли фуқаролик жамиятининг ҳақиқий белгиси сифатида давлат органларининг халқ олдида ҳисобдорлиги, уларнинг

фаолияти ва молиявий ҳаракатлар аниқ рақамлар билан ифодаланиши шарт. Ҳар бир соҳанинг халқ олдидаги ҳисобдорлигидан ташқари, айти пайтда, Олий Мажлис аъзолари, вазир ва давлат кўмити раислари, юқори раҳбарлик лавозимида ишлайдиган амалдорларнинг шахсий мол-мулки, даромадлари ҳамда уларнинг манбаси шу пайтгача кўрсатилмаган. Ҳисобдорлик шакли қандай бўлиши керак? Агар биронта вазирлик мисолида қисқача тушунтириш берилса, ҳисобдорлик белгиланган вазифалар, тақвимдаги масалалар ҳамда бажарилган ишлар каби ҳаракатлар билан тўйинтирилишдан ташқари, молиявий шаффофликни талаб этади. Бунда ҳар қандай оддий халқ вакили истаган саволига жавоб олишга ҳақли бўлиши назарда тутилсин.

### Ўзбекистондаги коррупция хавфи бўлган соҳалар

**Давлат хизматларини кўрсатиш.** Бошқа ривожланаётган мамлакатларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам давлат ҳар доим ҳам аҳолига зарурий хизматларни, шу жумладан тиббий ва таълим хизматларини етарли даражада сифатли тақдим эта олмайди. Шу муносабат билан, шифохоналарда, энг яхши мактабларда, институтларда ва ҳоказоларда чекланган жойлар учун одамлар ўртасида рақобат мавжуд бўлиб, бу муассасаларда коррупция пайдо бўлади.

**Тиббий ва таълим хизматларидан ташқари,** Ўзбекистонда давлат хизматларини тақдим этишнинг бошқа кўплаб соҳаларида уларнинг аҳолининг мавжуд эҳтиёжларига мос келмаслиги кузатилмоқда. Хусусан, бу сув, газ, иситиш, суғориш тизимлари, асфалт йўллар, кўприклар, парклар ва ўйин майдончалари қурилишига тегишли. Бу ушбу тузилмалардаги коррупция даражаси бошқаларга қараганда юқори эканлигини кўрсатиши мумкин, чунки давлат маблағлари бошқа мақсадларда ишлатилган бўлиши мумкин ёки бундай хизматларнинг чекланганлиги сабабли биринчи бўлиб пора берганларга хизмат кўрсатилиш ҳолатларини жадаллаштириши мумкин.

Хулоса шундаки, коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар ана шу ҳодиса яшаб турган жамият яратган тизимнинг носоғлом яшашида намоён бўлади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашдаги асосий вазифаси ижтимоий кайфиятни ёритиш: чўққининг ўткир нуқтасига етиб келганимизни эслатиб туришдан иборат

### Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н А Д А Б И Ё Т Л А Р :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнда ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар т. тўғрисида” ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш курашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 6 июндаги.ПФ-6257-сонли.фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729 - сонли “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони.

4. Б.Турғунов – “Адолат” ҳуқуқий Ахборот Маркази бош маслаҳатчиси – “Коррупция – миллат кушандаси” – “Адолат” Ахборот Маркази 15.10.2020 йил № 4660 бош саҳифа.

5. Фозилов Ҳакимжон – ДХА Жиззах бошқармаси жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар шуъбаси етакчи маслаҳатчиси – “Коррупция : унинг тарихий илдизлари, коррупцияга қарши курашиш усуллари” – сангзор.\уз\ 04.01.2020 йил. № 6178.

6. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ – 419 – сонли Қонуни